

«МРИ» ДМ	СИФАТ СИЁСАТИ “Минерал ресурслар институти” Давлат муассасаси	тахрир 03
----------	---	-----------

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“Минерал ресурслар институти”

давлат муассасаси

директори

И.Б.Турамурадов

2023 йил “28” 08

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ”

Давлат муассасаси

СИФАТ СИЁСАТИ

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” Давлат муассасаси (кейинги ўринларда “МРИ” ДМ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғининг минерал ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшадиган жадал ривожланаётган илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

“МРИ” ДМнинг асосий фаолияти ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, геологик қидирув, лаборатория ишларини бажаришнинг усулларини такомиллаштириш ва жорий этиш мақсадида илмий-тадқиқот, тематик ва тажриба-конструкторлик ишларидир ва фойдали қазилмаларни бойитишнинг мақбул схемаларини ишлаб чиқиш бўйича инновацион технологик тадқиқотлар, тажриба-лойиҳа ва лойиҳа-смета ишларини ишлаб чиқариш, истеъмолчи талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

Халқаро сифат стандартлари талабларини жорий этиш ва доимий қўллаб-қувватлаш, хизматларни доимий равишда такомиллаштириш, инновацион ечимларни жорий этиш, такомиллаштиришнинг янги усулларини қўллаш.

“МРИ” давлат муассасасининг сифат соҳасидаги **асосий мақсади** истеъмолчилар талабларини бажариш, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилиш, шунингдек, ўз фаолияти давомида кўрсатилаётган хизматлардан мижозларнинг қониқишини оширишдан иборат. ИСО 9001:2015 “Сифат менежменти тизимлари” халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини самарали қўллаш ва доимий такомиллаштириш.

“МРИ” ДМда сифат менежменти тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини доимий равишда ошириш, шунингдек, бошқа манфаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва умидларини қондириш;

«МРИ» ДМ	СИФАТ СИЁСАТИ “Минерал ресурслар институти” Давлат муассасаси	таҳрир 03
----------	---	-----------

- “МРИ” давлат муассасаси фаолияти йўналишлари бўйича раҳбарият томонидан юксак мақсадларга эришишни таъминлаш;
- сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва самарадорлигини оширишда “жараёнли ёндашув”ни қўллаш;
- тизимнинг мувофиқлаштирилган ишлашини таъминлаш (“бошқарувга тизимли ёндашув”);
- ходимларнинг юқори профессионаллиги ва малакаси, уларнинг сифат менежменти тизимининг самарали ишлашига максимал даражада жалб этилишини таъминлаш;
- сифат менежменти тизимини доимий такомиллаштириш;
- буюртмачилар билан ҳамкорлик, ўзаро манфаатли муносабатлар;
- ресурслардан самарали фойдаланиш;
- далиллар асосида қарор қабул қилиш.

Сифат соҳасидаги асосий устивор вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир ходимни илмий-тадқиқот, экспериментал, услубий, конструкторлик ва технологик ишларни бажариш жараёнини такомиллаштиришда иштирок этишга жалб қилиш, уларнинг ижодий қобилиятларини юзага чиқариш ва кенгайтириш жараёнига жалб қилиш мақсадида ходимларни рағбатлантириш, сифат соҳасида кадрларни тизимли равишда тайёрлаш;
- муассасанинг ишончли бизнес ҳамкори сифатидаги имиджини яратиш ва фаолиятига ишончни таъминлаш;
- тадқиқот жараёнларини такомиллаштириш, сўров усулларини ишлаб чиқиш ва янгилаш ҳисобига иш сифатини ошириш;
- ИСО 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқ ташкилот сифат менежменти тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва унинг самарадорлигини доимий равишда ошириш;
- Сифат сиёсати муассаса ходимларига етказилишини таъминлаш ва зарурлигини тушунтириш;

“МРИ” ДМ раҳбарияти қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятини олади:

- сифат менежменти тизими талабларига мувофиқликни;
- самарадорликни доимий равишда ошириш;
- белгиланган мақсадларга эришиш учун барча зарур ресурсларни қўллаш.

Раҳбарият ҳар йили белгиланган мақсадларга эришиш бўйича муассаса фаолиятини таҳлил қилиш ва ушбу Сифат сиёсатини қайта кўриб чиқиш мажбуриятини олади.